

Ҳадис дарслари (119-дарс). Абу Амрнинг «Хулоса» номли бутни бузиши



13:00 / 13.01.2021 5587

يَلَصُّهُ لَلِأَلِوَسْرُتُعَيْ أَبِ؛ لَأَقُ هُنَّ هَلَلِ يَضْرِبُ هَلَلِ دَبَعِ نُبْرِ رِيحٍ نَع
لُكُلِخُ صُنْ لَأَوَةَ الْكُزْلِ إِتِي إِوَةَ الصَّلَامِ أَقِي لَعَمَلَسَوَهُ يَلَعُ هَلَلِ
يُذِمُّرَّتْ لَأَوُنَاخِي شَلِ أَوْرِي مَلْسُمُ

Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга намозни тугал адо этиш, закот бериш ва ҳар бир мусулмонга насиҳат қилиш ҳақида байъат қилдим».

Икки Шайх ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шариф Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинмоқда. У киши билан танишиб олайлик:

Жарир ибн Абдуллоҳ ибн Жобир Бажалий, кунялари Абу Амр. Ҳижратнинг 10-йили, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан қирқ кун олдин Исломга кирдилар. У киши қавмларининг саййиди бўлганликлари учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у киши Исломга кирган вақтларида «Келса, ҳурмат қилинглари», деб марҳамат қилдилар. Ироқда, Қодисияда ва бундан бошқа жойлардаги урушларда иштирок этдилар. Бажала аҳли тафриқага тушганида Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу уларни жамлаб, Жарирни бошлиқ этиб тайинладилар.

Бундан ташқари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини «Хулоса» номли бутни бузиш учун юбордилар. У киши бутларни ўтда ёқиб юбордилар.

Жарир ибн Абдуллоҳ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўп ҳадислар ривоят қилдилар. У кишидан ўғиллари Абдуллоҳ, Мунзир, Иброҳим ва Қайс ибн Ҳозим, Абу Воил, Абу Зуръата ибн Амр ибн Жарир ва бошқалар ривоят қилишди.

Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу 50-ҳижрий йилда вафот этганлар.

Бу ҳадиси шарифдан Исломдаги уч муҳим амал ҳам баъзи байъатлардан қўшилганини билиб олмоқдамиз.

1. Намоз – Исломнинг асосий беш рукнидан бири, диннинг устуниси. У қоим бўлса, дин қоим бўлади.
2. Закот – Исломнинг асосий беш рукнидан бири. Ҳар бир жамиятда иқтисодий масалаларни тўғри ҳал қилишнинг асосий гарови.
3. Ҳар бир мусулмонга яхшилик йўлида насиҳат қилиш ҳар бир жамиятнинг ижтимоий алоқаларини тўғри йўлга қўйишнинг асосий омилларидан биридир.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар, унинг ҳикмати ва аҳамияти очиқ-ойдин кўриниб турибди.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан